

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 27 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича [REDACTED] суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья: [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED], котиблигида, [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - адвокат [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид 1-1002-2604/102-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчини кўрсатувларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги 844-сонли Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 январдаги “Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги 45-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаган хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида 2025 йил 17 ноябрь куни соат 06:00ларда “И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти”нинг умумий учиб келиш залида «Дубай–Тошкент» йўналиши орқали 1941-сонли рейс билан учиб келган ва божхона назоратининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланган ҳамда божхона назорати ҳудудидан олиб ўтилган унга тегишли қаймоқ рангли чемодан божхона назоратидан ўтказилганда, мазкур чемодан ичидан анча



миқдорда божхона назоратига тақдим этилмаган, жами 632 қути “Velo Freezing Peppermint” ёзувли никотинли қопчалар борлиги аниқланган.

“Gamma Valution” МЧЖнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 11-016/25ТА/ТМБ-сонли баҳолаш ҳисоботига қўра, С.Рахмоновадан олинган ашёларнинг ҳозирги кундаги умумий баҳоси 66.360.000 сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Чилонзор туман бўлими мутахассисларининг 22.11.2025 кундаги 02-11^в/2167-сонли далолатномасида, ашёвий далил сифатида олиб куйилган жами 632 дона (қути) “Velo Freezing Peppermint” номли никотинли снус тамаки маҳсулотлари эканлиги ва ушбу маҳсулотларни хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги сабабли савдо учун яроқсизлиги ҳамда ушбу маҳсулотлардан фойдаланмаслик тавсия этилиши кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] судда, эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у йўлда бир аёл билан танишиб қолганлигини, ўша аёл Дубай шаҳридан тамаки маҳсулотлари олиб келиб Самарқанд вилоятида сотиш мумкинлигини ва унга қўшимча даромад бўлишини айтганлигини, у ўйлаб кўриб, ўша аёл кўрсатган дўконга бориб учрашганлигини, дўкон сотувчиси тамаки маҳсулотини кўрсатиб, қанча бўлса олиши мумкинлигини айтганлигини, шу сабабли у 2025 йил 17 ноябрь куни Дубай шаҳридан, Тошкентга учиб келаётган вақтида Дубай аэропортидан тамаки маҳсулотини сотиб олганлигини, Тошкентга учиб келиб, паспорт назоратидан ўтганлигини ва “яшил” йўлак орқали ҳаракатланганлигини, божхона ходими уни оғзаки сўровдан ўтказгандан, сўнг йўл ва қўл юкларини рентген аппаратига қўйганлигини, сўнг, уни кўрикдан ўтказганлигини, унинг чемоданидан белгиланган 632 қути “VELO” номли тамаки маҳсулотлари аниқланганлигини, у уларни 700 АҚШ долларига тижорат мақсадида Дубай аэропорти “duty free” дўконидан сотиб олганлигини, уни ушлаган вақтида ҳеч ким ундан чекларни сўрамаганлигини, у уйга бориб чекларни йўқотиб қўйганлигини, у божхона назоратининг “яшил” ва “қизил” йўлакларидан ҳаракатланиш тартибини яхши билмаслигини, божхона қоидаларини тушунмаслигини, у Дубайдан кийим учун матолар сотиб олиб келишини ва уларни бу ерда сотишини, биринчи маротаба тамаки маҳсулотларини олиб келганлигини, бир блокени тахминан 16 доллардан сотиб олганлигини, ҳар бир блокени ичида 5 қутидан бўлиб, ҳар бир қутисини нархи тахминан 2-3 доллардан бўлганлигини, сотиш учун олиб келганлигини, озгина фойда кўриш ва катта қизининг унаштириш харажатларини қоплаш мақсадида олиб келганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароити ва моддий аҳволи оғирлигини, турмуш ўртоғи беш йилдан бери қамоқда эканлигини, уч нафар фарзандининг ёлғиз боқувчиси



эканлигини, бошқа боқувчиси йўқлигини айтиб, унга енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби:

гувоҳ [REDACTED] дастлабки терговда, у 2025 йил 17 ноябрь куни ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтида, 1941-сонли рейс бўйича Дубай-Ташкент йўналиши орқали учиб келган йўловчиларни яшил йўлак орқали божхона кўригидан ўтказиш вақтида, ушбу рейс билан учиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароси [REDACTED] ўзининг ҳаракатлари билан унда шубҳа уйғотганлигини ва у унга қўл ёки сумкаларини “Хайман” апаратыга қўйишни илтимос қилганлигини ва ушбу қўл юкларини ва багажи божхона кўригидан ўтказганида ичидан божхона йўловчи декларациясида кўрсатилмаган ва оғзаки сўровда айтилмаган 632 қути “VELO” номли никотин ёстиқчалари борлиги аниқланганлигини, шундан сўнг, у икки холис иштирокида фуқаро [REDACTED] нисбатан божхона қонун қоидаларини бузганлиги тўғрисида процессуал ҳужжатларни расмийлаштирганлигини ҳамда аниқланган 632 қути “VELO” номли никотин ёстиқчаларини ашёвий далил сифатида олиб қўйганлигини баён этиб берган кўрсатувлари;

гувоҳ [REDACTED] дастлабки терговда, у 2025 йил 17 ноябрь куни Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг учиб келиш залида ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтида, 1941-сонли рейс билан Дубай шаҳридан учиб келган йўловчиларни, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш пайтида, унга нотаниш бўлган фуқаро [REDACTED] тегишли бўлган 1 дона қаймоқ ранг чемодани ичидан белгиланган тартибда божхона назоратига тақдим қилинмаган, 632 қути “VELO” номли тамаки воситалари борлиги аниқланганлиги юзасидан уни холис сифатида иштирок этишини сўраб божхона ходимлари таклиф қилишганлигини, шундан сўнг фуқаро [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддаси асосида адвокат ва таржимон хизматидан фойдаланиш таклиф қилинганлигини ва унга унинг ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилганлигини, фуқаро [REDACTED] адвокат ва таржимон хизматга муҳтож эмаслигини маълум қилганлигини, фуқаро [REDACTED] божхона ходимлари томонидан божсиз олиб кириш мумкин бўлган шахсий буюмлари холислар иштирокида тўлиқ қайтариб берилганлигини, шундан сўнг, фуқаро [REDACTED] чемоданидан чиққан, белгиланган тартибда божхона назоратига тақдим этилмаган 632 қути “VELO” номли тамаки воситалари холислар иштирокида алоҳида пакетга солинганлиги ва муҳрланганлигини баён этиб берган кўрсатувлари;

гувоҳ [REDACTED] гувоҳ [REDACTED] кўрсатувиغا ўхшаш дастлабки терговдаги ҳамда судда ўқиб эшиттирилган ва судланувчи [REDACTED] томонидан тасдиқланган ушбу кўрсатувлари;



шунингдек, шахсни кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақидаги баённомалар, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Чилонзор туман бўлими мутахассисларининг 22.11.2025 кунидаги 02-11^в/2167-сонли далолатномаси, баҳолаш ҳисоботи, видеотасвирларни олиб қўйиш тўғрисида қарор ва баённома, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] айби, ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, объектив далиллар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] “анча миқдорда тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш”да ифодаланган жинойий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида давлат айбловчиси судланувчи [REDACTED] дастлабки тергов вақтида ўзига нисбатан қўйилган айбловга рози бўлганлигини, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашганлигини, судланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етганлигини, тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаган ҳолда иштирок этган ҳимоячи билан маслаҳатлашиб, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида ихтиёрий равишда илтимоснома билан мурожаат қилганлигини ҳамда Миробод туман прокурорининг “Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида”ги 2026 йил 29 январдаги қарорига асосан [REDACTED] билан айбга иқрорлик тўғрисида келишув илганлигини баён этди.



Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан қабул қилинган айбга иқрорлик тўғрисида келишувни муҳокама қилиб, давлат айбловчиси, судланувчи ва унинг ҳимоячисининг мазкур келишувни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб, айбга иқрорлик тўғрисида келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлиги, келишув айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилганлиги, айбланувчининг келишувнинг моҳияти ва шартларини тушунганлиги, унинг оқибатларини англаб етганлиги, судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаши ҳамда келишув Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹-586⁶-моддалари қоидалари асосида берилганлигини инобатга олиб, ушбу келишувни тасдиқлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586⁸-моддаси 2-қисмида, суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқиб, келишув тасдиқланган ҳолларда, суд айблов ҳукми чиқаради деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”лиги, шу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

11-банди иккинчи ва учинчи хатбошисида, ЖК 57²-моддасига мувофиқ, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида (моддаси қисмида) назарда тутилган энг кўп асосий ва қўшимча жазонинг ярмидан ошмаслиги кераклиги;

айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилган жиноят ишлари бўйича шахсга нисбатан жазо тайинлашда, агар тайинланаётган жазо ЖКнинг 57²-моддаси талабига кўра, модда санкциясида кўрсатилган энг кам жазо миқдори ёки муддатидан камроқ бўлиши лозим бўлса ЖКнинг 57²-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинланиб, айти вақтда ЖКнинг 57-моддасини қўллаш талаб қилинмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва меъёрини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ уни айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам



судланмаганлигини, уч нафар фарзанднинг ёлғиз боқувчиси эканлигини, бошқа боқувчиси йўқлигини, турмуш ўртоғи озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётганлигини, оилавий ҳолати ва моддий аҳволи оғирлигини, иш бўйича зарар мавжуд эмаслигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва иш ҳолатларини инобатга олиб ЖКнинг 57²-моддасини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисми санкциясида белгиланган озодликни чеклаш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроғини тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича олинган ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарорига 1-илова “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида низом”нинг 13-бандида, истеъмол, фойдаланиш ва қайта ишлаш учун яроқсиз деб топилган маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари экспертиза хулосасига кўра мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Чилонзор туман бўлими мутахассисларининг 22.11.2025 кундаги 02-11^в/2167-сонли далолатномасига асосан жами 632 дона (қути) “Velo Freezing Peppermint” ёзувли тамаки воситалари хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги сабабли савдо учун яроқсизлиги аниқланган.

Шунга асосан, суд, иш бўйича олинган ва сақлаш учун 2025 йил 17 ноябрдаги 2163/25-сонли юк хатига асосан “Божхона сервис” ДМга топширилган жами 632 қути “Velo Freezing Peppermint” номли тамаки маҳсулотларини йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Шу билан бирга, суд [REDACTED] божхона назоратидан ўтиш жараёни акс этган видеотасвирлар сақланган бир дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 586^{7,8,10}-моддаларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED]
билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисида келишув тасдиқлансин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57²-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

██████████ ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, “Хишров” МФЙ, Сарииосиё кўчаси, 54-уйдан чиқиши чеклансин ва унга қўшимча:

- ҳар ойда бир мартаба яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ Пробаця бўлимидан рўйхатдан ўтиб туриш;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик тақиқлари юклансин.

Жазо ижросини таъминлаш ██████████ яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати ██████████ жазоларни ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисми талаблари тушунтирилсин.

██████████ нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва сақлаш учун 2025 йил 17 ноябрдаги 2163/25-сонли юк хатига асосан “Божхона сервис” ДМга топширилган жами 632 қути “Velo Freezing Peppermint” номли тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Видеотасвирлар сақланган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди орқали Тошкент шаҳар суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест бериши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

██████████

Нусхаси аслига тўғри:

